БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 232 (19.308). ● 1985 йил 10 октябрь, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига

БУТУН КУЧ — ПАХТА ТЕРИМИГА!

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● «Оқ олтин» териб топшириш нормалари ва графикларини кун сайин ошириб бажаришга эришайлик!

● Пахта қабул қилиш, асраш ва қайта ишлаш технологияси янада яхшилансин!

● Пахтакорлар, механизаторлар, барча теримчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратайлик.

● Республикада биринчи бўлиб маррага етган Гурлан райони пахтакорларига тенглашинг!

ХОРАЗМ

Гурлан райони деҳқонлари пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига 33500 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шунинг 9 минг тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Район меҳнаткашлари давлатга яна 5 минг тонна хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Ҳозиргача областда бир район, 3 колхоз ва 175 бригада якунловчи йил топшириғини адо этди.

ФАРҒОНА

«Йиллик план бажарилди! Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди!» — Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоздан шундай хабар олинди. Хўжалик миришкорлари давлатга 6280 тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 34,1 центнерни ташкил этди.

Уруғлик пахта тайёрлаш топшириғи ҳам адо этилди.

Колхоз аъзолари пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни муваффақиятли ўринладилар. Давлатга беш йилда 37918 тонна хом ашё сотилди. Бу кўзда тутилганидан 5591 тонна кўпдир.

С. Худойқулов, М. Шокиров, Қ. Турдиалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг заршунослари бу муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар беш йил мобайнида олти йиллик план миқдорида пахта тайёрлашди.

Пахтакорлар планга қўшимча яна 1520 тонна «оқ олтин» топшириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришмоқда.

НАМАНГАН

Чортоқ райони пахтакорлари беш йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлат қабул пунктларига 95 минг 300 тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлисида Целиноград шаҳридаги кенгашнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари юзасидан берилган йўл-йўриқлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Республика колхозларида, совхозларида ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналарида капитал маблағлардан, ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан етарли равишда самарали фойдаланилмаётганлиги, фонд билан таъминланиш кўпайсада, суғориладиган гектарнинг самарадорлиги суст ўсаётганлиги, маҳсулот етиштиришда меҳнат сарфи ҳали ҳам юқори эканлиги уқтириб ўтилди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг илмий асосланган системалари, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формалари сust жорий этилмоқда, иқтисодий ишда жиддий янгилишларга йўл қўйилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигида ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларда барпо этилган ишлаб чиқариш потенциали қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтиришни ва экономиканинг аграр сектори барча тармоқлари иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлаш, уни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш имконини бериши Бюрода таъкидлаб ўтилди. Область, район партия комитетларига, республика органларига, тегишли министрликлар ва идораларга XII беш йиллиқда ва шундан кейинги истиқболда агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш топширилди.

Марказий Комитет Бюросида «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари»ни республика Қишлоқ хўжалиги ва Автомобиль транспорти министрликлари қандай амалга ошираётганликлари муҳокама қилинди. Улар шу масалага оид ишни тубдан қайта қуришни амалга ошириб, ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни ташкил этишга оид махсус қоидалар ва норматив актлар ҳамма жойда, муттасил бажарилишини таъминламаганликлари уқтириб ўтилди. Хўжаликлар, автомобиль корхоналари ва ўқув юртларининг коллективлари ўртасидаги ҳамдўстлик шартномалари расмий тарзда тузилган, уларда мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-моддий базасини ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган конкрет планлари йўқ. Базавий ташкилотлар таълим устахоналарини асбоб-ускуна ва техника билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилмаяпти. Ҳар бир катта қишлоқ мактаби ҳузурида йил бўйи ишлайдиган кўп тармоқли ўқувчилар бригаталарини тузиш ва ўқувчиларнинг мутлақ кўпчилигини шу бригадаларга жалб этиш тўғрисидаги ислоҳот талаблари бажарилмаяпти. Бюро министрликлардан КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишга доир қарорларини бажариш юзасидан зарур чораларни кўришни талаб қилди. Партия комитетларига, совет органларига ва бошқа ташкилотларга тегишли кўрсатмалар берилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси бу соҳада республика партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотлари ўтказаётган ишни ижобий баҳолаб, айрим партия ташкилотлари, Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, раҳбар кадрлар ичкиликбозлик ва алкоголизмни тар-туби билан тугатишнинг бениҳоя сиёсий ва социал моҳиятини ҳали англаб олмаганликларини уқтириб ўтди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг қарори қандай бажарилаётганини чуқур ва атрофлича таҳлил этиш, бошланган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлашга қаратилган ишни кучайтириш, бу соҳадаги камчиликларни қатъият билан йўқотиш, расмиятчиликка, кампаниябозликка йўл қўймаслик, алкоголизмга қарши қонунларни бузувчи шахсларга нисбатан кўнгилчанлик билан ёндашиш фактларини тугатиш топширилди. Марказий Комитетнинг Бюроси шуни таъкидладики, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни, жамият турмушининг ҳамма соҳаларида ҳушёрликни қарор топтиришни изчиллик билан қатъий ва муттасил ҳал этилиши лозим бўлган жуда муҳим умумпартия, умумдавлат вазифаси, деб ҳисобламоқ керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг ва «Главсредазирсовхозстрой»нинг саноат ва қурилиш индустрияси корхоналари қувватларидан фойдаланиш ҳамда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш соҳасидаги иши масаласини кўриб чиқди. Улар ишлаб чиқаришни интенсивлашда ва унинг самарадорлигини оширишда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаб қилганидек, туб бурилишга эришмаганликлари уқтириб ўтилди. Министрликлар ва идораларнинг, партия ташкилотлари бунинг учун саноатнинг ишини назорат қилувчи мансабдор шахслардан қаттиқ жавоб талаб қилмаяптилар, уларнинг ҳисоботларини тинглаш кўпинча расмий тусда ўтмоқда ва бу ишларни яхшилашга дуруст таъсир ўтказмаяпти. Корхоналарнинг партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари руҳида тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш соҳасида лозим бўлган чораларни кўрмаяптилар, экономикада содир бўлаётган жараёнларнинг моҳияти билан чуқур шуғулланмаяптилар, техника тараққиёти учун, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун коммунист раҳбарларнинг масъулиятини дуруст оширмаяптилар. Марказий Комитет Бюроси сув хўжалиги ташкилотларининг ишидаги бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди, бу ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, ўз қарамоғидаги корхоналарда фан-техника тараққиёти ютуқларини янада кенг ва самарали жорий этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш вазифасини юклади.

Бюро мажлисида халқ хўжалигига ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетига шу партия ташкил этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан табрик телеграммаси йўллади.

1945 йил октябрида Корея Коммунистлар партиясининг тузилганлиги корейс халқининг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун революцион курашида, Корея меҳнаткашларининг халқ демократик-революцияси вазифаларини амалга оширишларида жуда катта тарихий воқеа бўлди, дейилади телеграммада.

Америка империализми ва унинг Жанубий Кореядаги гумашталарининг ҚХДРга қарши агрессияси давом этган машаққатли йилларда Меҳнат партияси мамлакатнинг бутун аҳолисини революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун қаҳрамонона курашга сафарбар этди. Корейс халқи ўзининг жанговар авангарди — Меҳнат партияси ҳамда унинг ўртоқ Ким Ир Сен бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлигида ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, урушда вайрон бўлган мамлакатни тиклади, саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларга эришди.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари қардош корейс халқининг ютуқларини қизғин табриклайдилар ва унга социализм қурилишида, КМП VI съезди қарорларини амалга оширишда, Корея ярим оролида вазиятни соғломлаштириш ва тинчликни сақлаб қолиш учун курашда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Осиёда Америка империализминнинг ҳарбий тайёргарликлари активлашган, янги ҳарбий-сиёсий уюшма вужудга келтирилди, Япония ва Жанубий Кореяни шу блокка қўшишга уриниш кучайган шароитда бизнинг партияларимиз ва давлатларимизнинг, бошқа социалистик мамлакатлар ва Осиёдаги тараққийпарвар кучларнинг шу районда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадидаги баҳамжиҳат ҳаракати тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Совет Иттифоқида ҚХДРнинг Жанубий Кореядан чет эл қўшинларини чиқариб юбориш ва мамлакатни тинч йўл билан демократик асосда бирлаштириш учун шароит яратишга қаратилган ташаббусларини юксак баҳолайдилар.

КПСС билан КМПни, мамлакатларимизнинг халқларини империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши, янги жамият қуриш учун бирга-ликдаги кураш давомида тарихий топган кўп йиллик ҳамкорлик анъаналари бирлаштириб турибди. СССР билан ҚХДР ўртасидаги сиёсий мулоқотлар, иқтисодий ва маданий алоқалар жадал ривожланиб бормоқда.

Телеграммада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Корея Меҳнат партияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига асосида, социализм мамлакатлари, халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслиги манфаатлари йўлида, тинчлик ва коммунизм ишининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирилади.

(ТАСС).

ХАЛҚЛАРГА — ТИНЧЛИК

Прогрессив инсоният, шу жумладан республикамиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ М. С. Горбачевнинг Францияга визити якунларини зўр мамнуният ва чуқур ҳайриҳоҳлик билан кутиб олдилар. Бу дўстона визит Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшди.

ЁРҚИН КЕЛАЖАК УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев совет кишиларининг бош мақсади жамиятни социал ва иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдан иборат эканлигини уқтириб ўтди. Бунинг учун, шубҳасиз, дунёда тинчлик, дўстлик ва қардошлик барқарор бўлиши керак. Михаил Сергеевич айтганидек, **«Учинчи минг йиллик арафасида биз ядровий «алхимия»нинг қора китобини ёндириб ташлашимиз керак. Йигирма биринчи аср ялпи ҳалокатдан қўрқувсиз дастлабки ҳаёт асри бўлсин».**

Ғоят инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бу сўзлар биз, меҳнат кишилари олдига катта вазифалар қўяди. Мамлакатимизда ва бошқа қитъаларда тинчлик, эркинлик, истиқболнинг гуллаб-яшнашини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишга доим тайёрмиз. Бунга кичик коллективимизда амалга оширилаётган ишларимиз ёрқин мисол: бригадамиз пахтакорлари давлатга хом ашё сотиш йиллик планини бажардилар. 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтардик. Пахтанинг 90 процентини агрегатлар ёрдамида териб олиндик. Бу муваффақиятда Мўминжон Ҳожиматов, Қосимжон Матмусаев сингари механизаторларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар ҳозиргача 100 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Тўхтасин НАЗАРОВ,
Фарғона область Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхознинг бригада бошлиғи.

ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ

Ўртоқ М. С. Горбачев матбуот конференциясида берган баёнотида шундай деди: «Ўз сиёсий системаларимиз, идеологияларимиз, дунёқарашларимиз нақадар хилма-хил бўлмасин, биз ҳаммамиз ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик билан характерланадиган тинчликка эришиш йўлини қидириш зарурати қаршисида турибмиз». Ҳақиқатан ҳам Ер юзидаги миллион-миллион кишиларга тинчлик керак. Империалистик доираларнинг айби билан халқаро аҳвол мураккаблашиб, чигаллашиб кетган, империализм қуролланиш пойгасига зўр бераётган ҳозирги шароитда халқларнинг ягона мақсад йўлида бирлашишлари ниҳоятда муҳимдир. Совет давлати тинчликни сақлаш, мустаҳкамлашга катта эътибор беряпти.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берганлиги ҳам диққатга сазовордир. Унинг Париж яқинидаги Пуасси шаҳрида «Пежо» автомобиль компанияси заводи фаолияти ва ишчилари ҳаёти билан танишганлиги бунинг яққол далилидир.

Биз ўртоқ М. С. Горбачевнинг визити якунларидан ниҳоятда мамнунмиз ва жонажон партиямизнинг тинчликсеварлик сиёсатини зардоб меҳнатимиз билан қўллаб-қувватлаймиз.

Рустам МУМИНОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадасининг бошлиғи, коммунистик меҳнат зардори.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Наманган областининг колхоз ва совхозлари партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейнинги Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, Ватан омборларига 34 минг тонна дон етказиб бериб, 1985 йилги планни бажардилар. Ўн биринчи беш йиллик топшириғидан ташқари давлатга 36,8 минг тонна дон сотилиб, план 124 процент бажарилди.

Областдаги барча районларнинг ғаллакорлари ана шу меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Норин ва Задарё районларининг хўжаликлари айниқса яхши натижаларга эришдилар.

Наманган районидаги «Ленинград», Задарё районидаги Навоий номли колхозлар бошқли экинларнинг ҳар гектаридан 41-51 центнердан дон, Норин районидаги «Победа», Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» ва Димитров номли колхозлар, Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози ва кўпгина бошқа хўжаликлар гектар бошига 57-60 центнердан маккажўхори дони олдилар.

Область хўжаликлари келгуси йил ҳосили учун уруғлик ғамлаб қўйдилар.

Бу муваффақиятларга Озиқ-овқат программасини оғишмай амалга ошириш натижасида, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий иши туфайли, колхозчилар, совхоз ишчилари, агросаноат комплекси мутахассисларининг зўр меҳнат ғайрати туфайли эришилди.

Ҳозирги вақтда область барча меҳнатчиларининг кучғайрати пахта териш ва тайёрлашни тезроқ тугаллашга қаратилгандир. Келгуси беш йилликнинг биринчи йили ҳосилига тайёргарлик бошланди — ер ҳайдашга, кузги дон, беда, оралиқ экинлар ва кузги экинлар экишга киришилди.

• *Номерга телеграмма*

АНДИЖОН

ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

Москва райони заршунослари давлатга пахта сотиш ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Она-Ватанга 252 минг 570 тонна ўрнига 253 минг 370 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Беш йиллик план 100,3 процент адо этилди. Бунинг 45 минг 635 тоннаси юқори сифатли уруғлик пахтадир. Ҳар гектар ердан 37,3 центнердан ҳосил кўтарилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам беш йиллик топшириқлари бажарилди. Жумладан, дон — 136 процент, сабзавот — 116, полиз маҳсулотлари — 101, узум — 103, тухум — 107, пилла — 108, жун топшириш плани — 135 процент адо этилди.

Эришилган муваффақиятга райондаги «Октябрь», Киров номли, «Ленинизм», «Ленинград» ва «Москва» колхозлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Районда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига пахта топширилмоқда. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга қатъий аҳд қилган заршунослариимиз йиллик планни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 20 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни кўзлаганлар.

Н. ТУРСУНОВ,
Москва район партия комитетининг биринчи секретари,

С. АШУРОВ,
халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси.

„ОҚ ОЛТИН" *хирмонига*

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 9 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,85	70,33	1,98	23,91
Хоразм	1,57	69,35	0,76	35,10
Тошкент	3,72	64,71	4,12	72,75
Наманган	3,06	64,07	3,33	44,18
Бухоро	1,46	62,89	0,28	13,30
Андижон	2,43	57,31	2,45	30,54
ҚҚАССР	1,95	56,62	1,59	46,66
Сурхондарё	2,34	53,68	2,86	57,00
Навоий	1,67	53,16	1,30	29,04
Самарқанд	1,80	46,20	1,30	29,84
Сирдарё	4,55	39,28	6,10	50,39
Жиззах	3,80	38,18	4,27	45,67
Қашқадарё	1,64	34,21	1,24	22,72
Республика бўйича:	2,52	54,54	2,50	38,72
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	3,84	80,78	5,44	92,44
Наманган	2,82	74,26	—	—
Бухоро	1,25	40,03	—	—
Навоий	1,08	24,48	0,05	0,10
Қашқадарё	1,28	17,82	1,07	7,28
Республика бўйича:	2,76	56,38	3,55	56,72

ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Японияннинг амалий визит билан Москвага келган «Мацусита электрик индастриз» электротехника компанияси президенти Т. Ямаситуни 8 октябрь куни Кремлда қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳар икки томоннинг манфаатларига ҳамда СССР билан Япония ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муддаосига мос бўлиб тушадиган икки томонлама амалий алоқаларга оид бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

(ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ДОИРАСИДА

ЖЕНЕВА, (ТАСС). 8 октябрь куни бу ерда ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет — Америка музокаралари доирасида космик қуроллар масалалари билан шуғулланувчи группанинг мажлиси бўлди.

ТОШКЕНТДА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЭКОНОМИКАСИ ВА ТЕХНИКАСИ КУНЛАРИ

ҚАРДОШЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг бош конвейери. Бу ерга, 31-йиғув цехига 9 октябрь куни корхонанинг юзлаб ишчилари чехословак-совет дўстлиги митингига келишди. Улар азиз меҳмонларни — Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларини муносабати билан Ўзбекистон пойтахтига келган ЧССР ҳукумат делегацияси аъзоларини самимий кутиб олдилар.

«Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг бош директори И. Х. Мусин, пайвандловчи М. Сисоева, токарь Н. Йўлдошев митингда сўзга чиқиб фашизмга қарши бирга-ликдаги курашда юзага келган халқларимизнинг қардошлиги тўғрисида, тинчликни ҳимоя қилиш йўлида бирга-ликда сарфланаётган кучғайратларда, социалистик қурилишда мустаҳкамланган мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ҳақида гапирдилар. Чехословакия ҳукумат делегациясининг бошлиғи, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари К. Лацо ўз нутқида икки қардош мамлакат ўртасида мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ва савдо алоқаларининг муҳимлигини таъкидлади. Тошкентда ўтаётган Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари ана шундай алоқаларнинг ёрқин ифодасидир. У Ўзбекистон ишчиларига Совет Ватани, бутун социалистик ҳамдўстлик фаровонлиги йўлида янги-янги меҳнат муваффақиятлари тилади.

Чехословакиялик меҳмонлар завод цехларида бўлиб, роботлаштирилган янги линияларни ва маҳсулот намуналарини кўздан кечирдилар, корхонанинг меҳнат шуҳрати музейини бориб кўрдилар.

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Чехословакия халқларини гитлерчилар фашизмидан ҳалос этган Совет Армияси саф-ларида кўпгина ўзбекистонлик жангчилар бор эди. Қардош мамлакат ҳукумат делегациясининг уруш ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашувида уларнинг кўрсатган жасорати учун қизғин миннатдорчилик сўзлари янгради. 9 октябрь куни уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секциясида меҳмонлар билан бўлиб ўтган учрашувга Чехословакия ва унинг пойтахти Прагани озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашган собиқ жангчилар келишди. Делегация аъзоларини Тошкент секциясининг раиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Эргашев самимий табриклади.

— Социалистик Чехословакия меҳнаткашлари фашистлар Германиясини тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган ҳалоскор совет жангчиларининг хизматларини юксак қадрлайдилар, — деди Чехословакия делегациясининг аъзоси, ЧССРнинг Совет Иттифоқидаги элчисининг ўринбосари Е. Ондрэка. — Халқимиз мамлакатимиз озодлиги йўлида ўз жонини фидо қилган совет солдатларининг муқаддас хотираси олдида бош эгади.

Йиғилганларнинг қарсаклари остида Улуғ Ватан уруши ветеранларига Чехословакияни озод қилиш учун олиб борилган жангларда мардлик кўрсатганлиги учун делегация номидан фахрий варақалар топширилди.

Учрашув қатнашчилари бундан буён ҳам қардошларча совет—чехословак дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ўзаро интилаётганликларини изҳор қилдилар, янги уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларига қарши, ядро хавфини бартараф этиш учун курашишга азму қарор берганликлари ҳақида гапирдилар.

ЮЛИУС ФУЧИК МУЗЕЙИДА

Тошкентда Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларининг қатнашчилари — қардош мамлакатдан келган меҳмонлар Тошкентдаги Юлиус Фучик музейи фахрий меҳмонлари китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирдилар: «Ўзбеклар диёрида Чехословакиянинг миллий қаҳрамони тўғрисидаги хотира муқаддас сақланаётганлигидан миннатдормиз». Делегация аъзолари оташин антифашистнинг қаҳрамонона ҳаёти тўғрисида, унинг «Руде право» газетасининг Ўрта Осиёдаги мухбири сифатида ўтказган кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишдилар. Музейда чехословакиялик дўстларнинг кўпдан-кўп совғалари авайлаб сақланмоқда. Меҳмонлар Фучик Ватани — Праганинг бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилувчи альбомни музейга туҳфа қилдилар. (ЎзТАГ).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ИШЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

8 октябрь куни Тошкентда илғор анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш, ривожлантириш ва жорий этиш негизида совет турмуш тарзини такомиллаштириш республика кенгаши хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Сирдарё область хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг фаолияти муҳокама қилинди. Муайян ижобий тажриба мавжудлиги билан бир қаторда комиссия фаолиятидаги камчиликлар уқтириб ўтилди. Хотин-қиз кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга, хотин-қизларни ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишга, областдаги меҳнаткаш хотин-қизлар учун зарур меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яратишга кам эътибор бермоқда. Ғоявий-тарбиявий ишлар ҳам яхшиланиши керак.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг хотин-қизлар социал ва меҳнат активлигини ошириш масалаларини ёритиш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Телевидение ва радио журналистлари ижодий изланишларини кучайтиришлари, эшиттиришларда хотин-қизларни тўлиқинлантирадиган проблемаларни дадилроқ кўтариб чиқишлари, бу эшиттиришлар жонли ва қизиқарли бўлишига эришишлари лозим. Программалар тематикасининг актуал бўлишига, уларнинг ғоявий ва бадиий савиясини оширишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатишга, хотин-қизлар ўртасидаги ишларни кучайтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЭЪТИҚОД СИНОВИ

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги карорида қўйилган вазифалар Наманган область маданият бошқармаси бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши учун бош йўналиш бўлди. Коммунистлар партия ташкилоти ишига ана шу нуқтаи назардан баҳо бердилар, ишдаги камчиликларни принципиал танқид қилдилар.

Ҳисобот даврида анча ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан жойлардаги музей, шонш-шуҳрат уйлари, клуб ва бошқа маданият муассасаларида кўргазмалар ташкил қилинди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан тантанали кечалар ва учрашувлар ўтказилди. Область кутубхоналаринининг иши яхшиланди.

Лекин шу билан бирга йиғилишда партия ташкилоти ўзи бевосита раҳбарлик қилиши лозим бўлган маданият муассасаларининг ҳар бир бўғини ишига чуқурроқ кириб бормаганлиги қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, коммунист В. Маматхонов ўзи бошчилик қилаётган маданият ва санъат ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўлими партия ташкилоти раҳбарлигидан четда қолганлигини айтди. Партия ташкилоти у коммунист сифатида ўз вазифасини қандай бажараётгани билан қизиқмаган, ишни яхшилаш йўлида амалий ёрдам ҳам кўрсатмаган.

Коммунистлардан М. Муҳиддинов ва М. Глазкова ўзлари ишлаётган маданият саройи ишини яхшилашда партия ташкилотининг фаолияти етарли бўлмаётгани ҳақида гапирдилар. Маданият саройини малакали ижодий кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилинмаётир. Бу ерда раҳбарлик иши ёмон ташкил этилганлиги оқибатида тартибинтизом бузилмоқда, ансамбль ва тўгаракларнинг машғулотлари мунтазам ўтказилмаётир, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш эса қониқарсиз аҳволда.

Буларнинг сабаблари партия йиғилишларининг роли оширилмагани, уларда планли равишда муҳим масалалар кўриб борилмагани, қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун етарли ҳаракат бўлмаётгани, коммунистларнинг партиявий бурчни бажаришдаги масъулияти оширилмаганидадир. Партия ташкилотининг секретари Ҳ. Дадабоев докладида қайд этилганидек, ҳисобот даврида тўққизта йиғилиш ўтказилган. Планлаштирилган бешта масала кўрилмай қолган.

Ҳисобот докладида коммунистларга конкрет партия топшириқлари берилганлиги, кўп коммунистлар топшириқни виждонан бажарганликлари айтиб ўтилса-да, бу умумий иборалардан иборат бўлди. Қайси коммунистга қандай конкрет топшириқ берилгани ва у қандай бажарилгани айтилмади. Йиғилишда коммунистлардан И. Гаюпов, М. Мусина, Н. Аминова, С. Абдуллаева сўзга чиқишиб, партия ташкилоти йўл рўйи билан бошқа камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

Маданият бошқармаси системасидаги бошқа жамоат ташкилотларининг иши ночор аҳволда. Улар партиявий раҳбарликни яқиндан сезмаётганликлари бу ташкилотлар ишига амалий ёрдам бериш учун биркитилган коммунистлар партия топшириғини бажармаётганликларини кўрсатади. Касаба союз ва комсомол ташкилотларида ойлаб йиғилишлар ўтказилмайди. Комсомол-ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, коллективлар ўртасида тартибинтизомни мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмайди. Халқ контроли группаси ўтган йил мобайнида бирор марта ҳам текшириш ўтказмаган. Деворий газеталар чиқариб турилмайди. Коммунистлар ва комсомолларнинг, умуман, маданият ходимларининг назарий билимларини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилинмайди.

Буларнинг ҳаммаси жойлардаги маданият муассасаларининг ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш бўйича белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мингдан ортиқ киши яшайдиган 40 га яқин қишлоқда ҳозиргача кутубхона очилмаган. Айниқса, жойлардаги жамоатчилик музейлари, шон-шуҳрат уйлари ва қишлоқ кутубхоналарига мунтазам методик ёрдам кўрсатиб борилмайди. Областдаги кўпгина клуб муассасалари, жумладан, Уйчи, Тўрақўрғон, Чортоқ районларидаги клуб ва маданият уйлари амалий ёрдамга муҳтож. Ҳолбуки, партия ташкилоти коммунистларнинг масъулияти ва активлигини ошириб, ишга жиддий киришса, мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш мумкин.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши партия бюросининг янги составини сайлади, область маданият бошқармаси партия ташкилотининг иш фаолиятини тубдан яхшилаш, КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини изчил амалга ошира бориб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратилган қарор қабул қилди.

И. ЮСУПОВ.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида иқтисодий эксперимент шароитида ишлаш кенгайиб бормоқда. Жараёнларни юксак даражада автоматлаштириш, роботлаш ва механизациялаш ишлаб чиқариш техника ва технологиясини яна ҳам такомиллаштиришга имкон бермоқда. Шундай қилиб, цехларни ўн иккинчи беш йилликда юз от кучига эга бўлган янги моделдаги тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқаришга ҳозирлаш юзасидан реконструкция қилиш, асбоб-ускуналарни янгилаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шу кунларда тракторнинг герметиклашган кабиналари деталь ва узелларини бўяш участкаси тўла қувват билан ишга туширилди. Шунингдек, корхонада ремонт-қуюв цехини барпо этиш кенг кўламда давом этяпти.

Суратда: завод партия комитетининг аъзоси, участка партия ташкилотининг секретари, цех халқ контроли группасининг аъзоси, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори фрезерчи Вера Харитонова ва участка комсомол ташкилотининг секретари, пармаловчи токарь Патулла Файзуллаев.

Ғ. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

Шарҳли ҳодиса

КЕЛАСИ САФАР ҲАМ ОМАД КУЛИБ БОҚАРМИКАН?

Бухоро — 1-депосининг машинисти Равиль Абдуллин поезд фалокатининг олдини олди.

Оғир юкли состав Бухоро — Қарши участкасидаги 143-километрга графикка мувофиқ равишда яқинлашиб келаётганида фалокатнинг ҳеч бир дараги йўқ эди. Аммо Абдуллин олдинда рельс узилганлигини кўриб қолди. Бундай ҳолларда машинистларнинг айтишича, ишнинг 99 проценти пачава-ю, фақат 1 процентигина омаддан иборат.

Шунда поездни тўхтатиб қолиш, қўрқувдан тепловоз кабинасидан сакраб тушиб кетмаслик, машинани ва минглаб тонна юкни сақлаб қолиш ниманинг эвазига бўлганлигини фақат Равилнинг ўзи билади... Шундай қилиб, тепловознинг ғилдираклари рельс 20 сантиметрдан кўпроқ ёрилган жойга бир неча сантиметр қолгандагина тўхтади. Иш шу билан тугамаган эди. Орқада пассажир поезди учиб келаётганини Абдуллин биларди. У шуларнинг ҳаммаси тўғрисида навбатчи диспетчерга радио орқали хабар қилиб, ремонт бригадасини чақириб улгурди.

Мард машинистга ташаккур эълон қилинди.

А. ФОЗИЛОВ.
ЎзТАГ мухбири.

* * *

ЎзТАГ мухбири ҳодисанинг сабабларига қизиқиб, ғалати бир вазиятни пайқади. Булар ҳақида қуйидагиларни ёзади:

— Жасорат қилинганлиги шубҳасиз. Лекин депода бу иш айни Бухоро — Қарши участкасида юз берганлиги ҳеч кимни ҳайратда қолдирмади. Чунки кейинги пайтларда бу ердан поезд олиб ўтадиган кишиларнинг ҳаддан ташқари кўп мардлик ва ҳушёрлик қилишларига тўғри келмоқда.

Машинистлар бу участкани ёқтиришмайди, уни қийин участка, деб ҳисоблашади. Бу ерда техник тезликни пасайтириб, анчагина дизель ёқилғисини бекорга сарфлашга тўғри келади, локомотив бригадалари ҳам ниҳоятда чарчашади. Депо меҳнаткашлари Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлимининг раҳбарларига неча бор мурожаат этиб, Бухоро билан Қарши ўртасидаги йўл, сигнализация ва алоқанинг аҳволини яхшилашни талаб қилдилар. Бу ҳақда маҳаллий матбуот ҳам ёзиб чиқди.

Шуларга қарамай, ҳозирча ҳаммаси аввалгича қолиб турибди. Поездлар тўрт соатда ўтиш мумкин бўлган масофани 10-11 соатда ўтмоқда. Эҳтимол машинист Р. Абдуллининг жасорати сўнгги сабоқ бўлиб қолар?

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

ТАКЛИФ ВА САМАРА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий приборсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик техника бюросининг бош конструкторлик лойиҳаси бўлими мудири М. Гольдфельд бошланғич партия ташкилоти йиғилишида сўзга чиқди. У конструкторлик ва рационализаторлик таклифларидан олинадиган иқтисодий самарани планли ўстириш ва унда социалистик мусобақадан кенг фойдаланишни таклиф қилди. Бу таклиф йиғилиш қарорида ўз аксини топди ва уни изчиллик билан амалга оширишга киришилди.

Корхонада тежамкорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш ишлари жадал олиб борилди. Таклиф самараси салмоқли бўлди. Илгари бир сўм сарфлаб 1 сўм 20 тийин иқтисодий фойда олинган бўлса, эндиликда у 7 сўмга етди. Кейинги йилларда амалий-конструкторлик ишларини ривожлантириш деярли икки баробар ўсди.

План-топшириқларнинг мунтазам бажарилишида социалистик мусобақанинг роли, айниқса, катта. Ҳозирги кунда барча ходимларнинг 95 проценти ана шу беллашувда актив иштирок этмоқда. 140 нафардан зиёд ходим эса коммунистик меҳнат зарбдори.

Партия ташкилоти ва коммунистларнинг авангардлик роли ошганлиги коллектив кейинги йилларда эришган муваффақиятларда ўз аксини топаётир.

Кейинги икки йил мобайнида бўлиб ўтган халқаро, Бутуниттифоқ, республика кўргазмалари, симпозиумлари, семинар ва кенгашларида коллектив аъзолари ўзларининг ижодий ишлари ва докладлари билан актив иштирок этдилар. Шу кунларда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида фан-техника тараққиётига бағишланган кўргазма давом этмоқда. Коллектив олимларининг бу кўргазмага қўйилган «Қуёш батареяси» прибори иттифоқдош республика мутахассисларининг диққат-эътиборини тортаётир. Ҳозирги пайтда корхона ходимлари шу йилнинг ноябрь ойида Болгарияда ва 1986 йил Португалияда ўтказиладиган халқаро кўргазмаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Бизга пуркагич асбоби ясаш вазифаси топширилганди, — деди конструкторлик бўлими мудири А. Соколов. — Уни белгиланган муддатда тайёрладик. Прибор корхонамиз билан шартнома тузган ўсимликларни ҳимоя қилиш институти ходимларига ҳам маъқул бўлди. Ҳозир ундан кенг фойдаланяпти. Умуман, биз топширилган ишни ҳамма вақт уддалаш билан корхонамиз эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшяпмиз.

Топширилган ишни вақтида уддалаш план ва топшириқларни мунтазам бажариш хўжалик ҳисобига ишлаётган ушбу корхона фаолиятининг муҳим шартига айланган. Бўлим — ижодкор коллектив. Шунинг учун ҳар бир ишнинг қандай ва қай даражада амалга оширилаётгани муҳим. Ҳолбуки, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари олдига конкрет вазифалар қўйилган эди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Лойиҳачилар билан конструкторлар таклиф қилаётган техникавий ечимлар энг илғор илмий тафаккур ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, меҳнат унумдорлигини бир неча баравар ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилашни, ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ўстиришни таъминлаган тақдирда — Уни белгиланган муддатда тайёрладик» деб таъкидлаганди.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда конструкторлик техника бюроси ходимлари қандай фаолият кўрсатишяпти? Қандай ижодий изланишлар, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари билан чиқмоқдалар?

— Кўп ҳолларда қандай иш бажаришимизни олдиндан билмаганлигимиз туфайли ишга ижодий ёндашишнинг иложи бўлмаяпти, — дейди конструкторлик бўлими ходими С. Абдураҳмонов. — Шунинг учун ҳам турли ташкилот ва муассасалардан келган заказларни вақтида уддалаб, планни бажариш билан чекланиб қолямиз. Масалан, пуркагич асбобини қабул қилган кундан бошлаб уч ой давомида бошданоқ катта халқаро аҳамият касб этди, — деб ёзади **«Юманите»** газетаси. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртага қўйган ва қуролсизланишга, қитъа мамлакатларини Европа проблемаларини бартараф этишда янада активроқ қатнаштиришга, иккала мамлакатнинг баҳамжиҳат сиёсий ҳаракати янада жадалроқ бўлишига қаратилган янги совет таклифлари ҳам буни тасдиқлади».

Жаҳонда ва Европада ядро қуролларини анча қисқартиришга қаратилган муҳим таклифлар комплекси ўртага қўйилди. Умуман, СССРнинг Европа зонасидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталар сони эндиликда бундан 10 ва ҳатто 15 йил олдингига қараганда анча камдир. СССР билан АҚШнинг бир-бирларининг территориясига бориб етадиган ядро қуролларини қисқартириш, проблемасига келганда, Москва таклиф этганидек, бундай ядро қуролларини анча қисқартиришга оид проблемани ҳал этиш космос ҳарбийлаштирилишини тақиқлаш тўғрисидаги масала билан боғлиқдир. «Совет Иттифоқи, деб уқтиради **«Либерасьон»** газетаси, — Ғарбий Европа мамлакатлари уруш ва тинчликка оид энг муҳим масалалар юзасидан масъулиятли позицияни эгаллаб, мустақиллик кўрсатишларига интилмоқда».

Олий даражадаги Совет-Франция музокаралари, СССРнинг янги кенг кўламдаги ташаббусларини Америка оммавий ахборот воситалари кенг ёритмоқда. Президент Р. Рейган ва унинг яқин ёрдамчилари, деб уқтиради **Эн-Би-Си** телекомпанияси, СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббуслари сиёсат ва жамоат доираларига таъсир кўрсатишидан қўрқиб ташвишланмоқдалар. Совет раҳбари қуролярғоғлар устидан контроль ўрнатиш масалаларига бағишланган музокараларда СССРнинг сиёсатини янгича талқинда баён этди. Совет Иттифоқи бир-бирларининг территориясига бориб етадиган ядро қуролларини ўзаро эллик процент қисқартиришни ва иккала томон зарбдор космик қуролларни тўла таъқиқлашини таклиф этмоқда.

Ҳозирги пайтда тайёрлайдиган ўрта махсус, ҳунар-техника ва олий ўқув юртлари кўп. Бевосита улар билан алоқа қилиш корхонани иқтидорли ёшлар билан тўлдириб боришда муҳим аҳамиятга эга. Корхона ходимлари институтларда бўлиб, студентлар билан тез-тез суҳбатлашиб турганларида эди, конструкторлик ишлари билан қизиқиб, практика ва диплом ишлари қилганни келаётган ёшларнинг сафи яна ҳам ўсган бўларди.

Корхона фаолиятида бошқа муаммолар ҳам бор. Масалан, станоклар эски, талабларга жавоб бермайди. Бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Биноларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш лозим. Кўп ҳолларда металл етишмаслиги туфайли станоклар бекор туриб қоляпти. Ётоқхона ва турар-жой бинолари етишмаслиги ходимлар қўнимсизлигига сабаб бўлаётир. Корхонанинг ташкилотлар, ишлаб чиқариш муассасалари, институтлар билан кўп йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги плани эндигина тузилмоқда. Мана шу муаммоларни ҳал қилишда ўз атрофига 76 коммунистни бирлаштирган партия ташкилотининг фаолияти сезилмаяпти. Ҳолбуки, у коллектив олдида турган қийинчилик ва камчиликларни дадил кўтариб чиқиши, оммаининг талаб ва эҳтиёжини қондириш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланиши лозим.

Конструкторлик техника бюроси партия ташкилотининг коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида муҳим масалаларни муҳокама қилди, нуқсонларни аёвсиз танқид этди. Улар муҳокама этган муаммолар кўп. Партия ташкилоти, коммунистларнинг эндиги вазифаси ана шу муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий иш қилишдан иборат.

Ҳ. МАДАТОВ.

НЕГА БЎШАШУВЧИЛИК БЎЛЯПТИ?

Республикамиздаги бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида бошлаган ватанпарварлик ташаббуси Марғилон шаҳар меҳнаткашлари ўртасида ҳам янги меҳнат тўлқинини бошлаб берди. Ташаббускорлар мурожаати шаҳар **«Марғилон ҳақиқати»** газетасида эълон қилингач, қатор корхона ва ташкилотлар, муассасалардан редакцияга хатлар кела бошлади. Уларда ана шу ташаббус қўллаб-қувватланган ҳолда мамлакатимиз коммунистлари съезди шарафига бошланган 27 зарбдор ўн кунликда актив иштирок этиш истаклари ифода этилган эди.

Орадан кўп ўтмай газетада «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор ишчилари М. Қорабоев, С. Ким, М. Каримова, А. Ҳабибуллаев, Д. Қосимовнинг шаҳардаги барча меҳнат коллективларига очиқ хати босилиб чиқди. Мурожаат авторлари ўн биринчи беш йилликда 7—13 йиллик планни бажариш, партиямиз съезди очиладиган кунгача 1986 йил биринчи квартал топшириқларини адо этишга қарор этганликларини билдириб, шаҳардаги барча коммунист ва депутатларни ана шундай ишларга даъват этдилар.

Шаҳар партия комитети ушбу очиқ хатни бюро йиғилишида маъқуллади, ҳамма жойларда зарбдор ўн кунликларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилди. Газетанинг деярли ҳар бир сонида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» рубрикаси остида меҳнат илғорлари эришаётган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, корреспонденция ва ахборотлар бериб борилаётир. Шаҳардаги трикотаж буюмлари тикиш ва ремонт қилиш фабрикаси ишчиси С. Йўлдошеванинг 6 июнда эълон қилинган «Лаббай, дедик», шаҳар боғмахонаси ишчиси О. Ҳусайнованинг «Бурч даъвати билан» сарлавҳали мақолалари шулар жумласидандир.

Газета баъзи жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ҳам ёритиб бормоқда. «Марғилон ҳақиқати»нинг 27 июнь сонида шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю. Олимованинг «Иккинчи ярим йилликка зарбдор суръат ва сифат» сарлавҳали шаҳрида капитал қурилиш борасидаги жиддий камчиликлар очиб ташланган. Шарҳ автори, шунингдек, саноат моллари ва озиқ-овқат савдоси идоралари, умумий овқатланиш трести план ва мажбуриятларни адо эта олмай қолоқлар қаторига тушиб қолганликларини танқид қилади. Шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳам талабга жавоб бермайди. Бунга сабаб шуки, деб таъкидлайди газета, шаҳар маиший хизмат бошқармаси раҳбарлари давлат-план интизомига, социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ва тарбиявий ролига етарли баҳо бермаяптилар. «Мусобақа кундалиги» рубрикаси остида берилган «Фаолиятимизни танқидий таҳлил этсак...» сарлавҳали редакцион мақолада ҳам шаҳардаги бадиий тикувчилик фабрикаси, ёғочсозлик заводи ва баъзи бошқармаларда давлат планларини бажаришдаги сусткашлик танқид остига олинган

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Газета саҳифаларида эълон қилинаётган ана шундай принципиал танқидий чиқишлар газета материалларининг ўқишли бўлишини таъминламоқда. Бу яхши, албатта. Лекин газета шаҳар меҳнаткашларининг зарбдор ўн кунликлар жараёнидаги бунёдкорлик ишларини, изланиш ва интилишларини ҳамма вақт ҳам ёркин, жозибали ва таъсирли ёритяптими? Ларда меҳнат муваффақиятларигина эмас, балки корхона ва муассасалар коллективлари олдида турган долзарб вазифалар ҳам ўз аксини топяптими? Ҳамма материалларда ҳам даъваткорлик, сафарбар этувчилик руҳи борми? Афсуски, газетхон ана шу саволларга ижобий жавоб ололмайди.

Газетанинг 4 июнь сонида «КПСС XXVII съезди шарафига» рубрикаси остида ипак комбинати партия комитетининг секретари М. Мақсудовнинг «Ташаббусга қанот» сарлавҳали мақоласи босилди. Сарлавҳа ушбу мақолада гап комбинатда ёйилган ибратли ташаббус ҳақида боришини сездириб турибди. Аммо уни ўқиб чиққан газетхон материал бошидан охиригача умумий гаплардан иборатлигини, кўпминг сонли меҳнат коллективининг иши, ташаббуси ҳақида ҳеч қандай мисол келтирилмаганлигини ва ҳатто корхона ишчиларидан бирор кишининг фамилияси йўқлигини кўриб ҳафсаласи пир бўлади.

Газета турмушда рўй бераётган салбий ҳолатлар, ҳато ва нуқсонлар ҳақида мақола, корреспонденциялар бериб бораяпти. Бироқ ана шундай таҳлилий материалларда жанговарлик, кескинлик, фош этувчилик руҳи унчалик сезилмайди. Масалан, газетанинг 10-август сонида босилган «Сафарбарлик ва ташкилотчилик етишмайди» мақоласида «Атлас» бирлашмаси пишитув-тўқимачилик фабрикасининг тайёрлов цехида ускуналарнинг бекор туриб қолиши натижасида 1740 станок-соат йўқотилгани, ана шу вақт ичида 4197 килограмм маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳақида гап боради. Лекин минглаб соат бекор ўтаётганининг асл сабабчилари кимлар эканлиги, корхона партия ташкилоти, маъмурият шу одамларга нисбатан қандай позицияда турганлиги ҳақида бирор оғиз ҳам сўз йўқ. Камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил қилинмай, уларни бирма-бир санаб ўтиш билан чекланилган, ҳолос. Унда газетанинг принципиал позицияси сезилмайди. Бундай материаллар ишга ҳеч қандай наф келтирмайди, албатта.

Мусобақа — оммаининг жонли ижоди. Лекин газета саҳифаларини варақлаган киши вақтдан ўзиб ишлаётган новатор ишчилар, беш йиллик зарбдорлари меҳнати кўп ҳолларда юзаки ва саёз ёритилаётганлигини сезмай қолмайди. Жумладан, «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик», «Зарбдор декада кундалиги» рубрикалари остида берилаётган материалларнинг аксарият қисмини бир-биридан фарқлаш қийин. Ижодий коллектив бу муҳим ва актуал мавзуга ёндашар экан, журналистиканинг бой ва ранг-баранг жанрларидан фойдаланишни унутиб қўяётганга ўхшайди. Бундан ташқари газета асосан шаҳардаги йирик корхоналардан материаллар ёритиш билан чегараланиб қолмоқда. Қурилиш, алоқа ва транспорт, маиший хизмат кўрсатиш каби соҳалар эса деярли унутилган.

«Ахборот воситалари воқеалар ва ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишлари, жиддий проблемаларни кўтариб чиқиб уларни ҳал этиш йўллари ҳақида таклиф киритишлари, мазмундорлиги, оперативлиги, ахборотга бойлиги билан кишиларни ишонтиришлари даркор. Кишиларга қаратилган оқилона сўз уларни ўйлатади, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиради, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишни тарбиялайди», деб таъкидланди КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми материалларида. Газета ижодий коллективи ўз ишини ана шу талабларга мувофиқ ташкил этиш зарур.

Марғилон шаҳар партия комитети газета фаолиятини йўналтириб туришга, ижодий ходимларда масъулият ҳиссини кучайтиришга, ўз органига раҳбарлик савиясини янада оширишга жиддий эътибор бериши керак.

О. ҲАКИМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КЛУБЛАР ҚАЧОН ИШЛАЙДИ?»

Юқоридаги сарлавҳали мақолада (газетамизнинг шу йил 23 июнь сони) Наманган ва Андижон областлари кутубхоналаридаги камчиликлар очиб ташланган эди. Ана шу мақола юзасидан Наманган ва Андижон область Советлари ижроия комитетларидан жавоблар олинди.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: — Мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Аксарият маданият уйлари ва кутубхоналар янги мебеллар ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Ўз ишларига совуққонлик билан қараганликлари учун Норин район маданият уйи раҳбарлари ҳамда Ленинобод қишлоқ Совети ижроия комитетидаги масъул кишилар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ:

— Мақолада келтирилган фактлар тўғри. Область маданият ва санъат идораларининг иш вақтлари кўриб чиқилди. Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда кутубхоналар ва клубларнинг иш режимларини ўзгартирдилар. Бу эса ўз навбатида аҳолига қулайлик туғдиради.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

М. С. Горбачевнинг Франция парламенти аъзолари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган СССРнинг янги жуда катта тинчлик ташаббуслари жаҳон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди. Турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, матбуоти М. С. Горбачевнинг парламент аъзолари билан учрашувда, Елисей саройида, Париж мэрияси-да, расмий зиёфатда сўзлаган нутқларини эълон қилиб ва шарҳлаб қуйидагиларни ёзадилар:

СССР уруш ва тинчлик хусусидаги энг муҳим проблемаларга чинакам тинчликсеварлик руҳида, конструктив ёндашаётганлигини намойиш қилмоқда, совет таклифлари эса қуролланиш пойгасининг «жаҳаннам поезди»ни қандай қилиб тўхтатиб қолишнинг, қуролярғоғларни қисқартира бошлашнинг, қуролланиш пойгаси космосга олиб чиқилишига йўл қўймасликнинг, инсоният боши узра пайдо бўлган уруш хавфининг олдини олишнинг реал йўлини кўрсатиб бермоқда.

М. С. Горбачевнинг визити Франция матбуотининг бош мавзуидир. Ҳукмрон социалистик партияга яқин бўлган **«Матэн»** газетаси Совет Иттифоқининг янги таклифлари катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб, АҚШ маъмурияти бу таклифларни диққат билан ўрганиб чиқиши зарурлиги тўғрисида ёзади. «М. С. Горбачевнинг визити аввал бошдан катта халқаро аҳамият касб этди, — деб ёзади **«Юманите»** газетаси. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртага қўйган ва қуролсизланишга, қитъа мамлакатларини Европа проблемаларини бартараф этишда янада активроқ қатнаштиришга, иккала мамлакатнинг баҳамжиҳат сиёсий ҳаракати янада жадалроқ бўлишига қаратилган янги совет таклифлари ҳам буни тасдиқлади».

Жаҳонда ва Европада ядро қуролларини анча қисқартиришга қаратилган муҳим таклифлар комплекси ўртага қўйилди. Умуман, СССРнинг Европа зонасидаги ўртача олисликка учириладиган ракеталар сони эндиликда бундан 10 ва ҳатто 15 йил олдингига қараганда анча камдир. СССР билан АҚШнинг бир-бирларининг территориясига бориб етадиган ядро қуролларини қисқартириш, проблемасига келганда, Москва таклиф этганидек, бундай ядро қуролларини анча қисқартиришга оид проблемани ҳал этиш космос ҳарбийлаштирилишини тақиқлаш тўғрисидаги масала билан боғлиқдир. «Совет Иттифоқи, деб уқтиради **«Либерасьон»** газетаси, — Ғарбий Европа мамлакатлари уруш ва тинчликка оид энг муҳим масалалар юзасидан масъулиятли позицияни эгаллаб, мустақиллик кўрсатишларига интилмоқда».

Олий даражадаги Совет-Франция музокаралари, СССРнинг янги кенг кўламдаги ташаббусларини Америка оммавий ахборот воситалари кенг ёритмоқда. Президент Р. Рейган ва унинг яқин ёрдамчилари, деб уқтиради **Эн-Би-Си** телекомпанияси, СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббуслари сиёсат ва жамоат доираларига таъсир кўрсатишидан ғоят ташвишланмоқдалар. Совет раҳбари қуролярғоғлар устидан контроль ўрнатиш масалаларига бағишланган музокараларда СССРнинг сиёсатини янгича талқинда баён этди. Совет Иттифоқи бир-бирларининг территориясига бориб етадиган ядро қуролларини ўзаро эллик процент қисқартиришни ва иккала томон зарбдор космик қуролларни тўла таъқиқлашини таклиф этмоқда.

МЕКСИКА ЗИЛЗИЛАДАН СЎНГ

МЕХИКО. ТАСС мухбири Н. Шоков хабар беради: 19 ва 20 сентябрь кунлари қаттиқ ер қимирлаган Мексика пойтахти билан мамлакатнинг бошқа районларидаги вазият нормаллашмоқда. Барча давлат муассасалари ва хизматларининг, шунингдек, транспорт ва ўқув юртларининг иши яна бошланди. Телефон ва телеграф алоқа линиялари 50 процент тикланди. Маъмурлар жабр-дийда аҳолини ичимлик сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида шошилинч чоралар кўрмоқдалар.

Табиий офат натижасида қулаб тушган бино вайроналаридан тозалаш ишлари шитоб билан олиб борилмоқда. Ҳар куни шаҳарнинг турли қисмларидаги вайроналар остидан ўнлаб мурдалар топилмоқда. Мутахассис медиклар фожиали воқеалар юз бергандан бери 15 кун мобайнида вайроналар остида кўмилиб қолган кишиларнинг ҳаёт ресурслари тугаган бўлиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Мексика газеталарининг чамасига кўра, пойтахтда табиий офат натижасида ҳалок бўлганлар сони 7 минг кишидан ошади.

Мамлакат президенти Мигель де Ла Мадрид шаҳарнинг вайрон бўлган районларини реконструкция қилиш ва тиклаш ишлари билан шуғулланувчи миллий комиссия тузилганлигини эълон қилди. У Мексика халқига қилган мурожаатида пойтахтда янги уй-жойлар, меҳмонхоналар, жамоат ва маданий аҳамиятдаги иншоотлар қурилишини тезроқ бошлаб юбориш зарурлигини айтди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИнинг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин ёш Совет давлатининг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқар экан, бундай деган эди: **«Фақат социализмгина ҳамма меҳнаткашларнинг турмушини қандай қилиб энг осон қилиш, уларнинг фаровон бўлишига имкон берадиган қилиш учун ижтимоий ишлаб чиқаришни ва маҳсулотларни тақсим қилишни илмий мулоҳазалар асосида кенг ёйишга ва чинакамига бўйсундиришга имкон беради. Бунн фақат социализмгина амалга оширади».**

Социализм иқтисодий тараққиётининг бу стратегик йўли КПСС съездларида, Марказий Комитетнинг сўнгги Пленумлари қарорларида изчил ривожлантириб келинмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда йирик конкрет программалар, жумладан, Озиқ-овқат ва Энергетика программалари, қўл меҳнатини механизациялаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, узоқ даврга мўлжалланган мелиорациялаш ва шу сингари бошқа ҳаётий зарур программалар ишлаб чиқилди ва собиқадамлик билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизни социал-иқтисодий жиҳатдан янада интенсив ривожлантиришда партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Пленумда КПССнинг ривожланган социализм шароитидаги иқтисодий сиёсати методологияси, назарияси ва стратегиясининг комплекс масалалари кўриб чиқилди, бу борадаги конкрет амалий тадбирлар белгиланди. Ўртоқ М. С. Горбачев мазкур Пленумда сўзлаган нутқида бу тадбирларнинг моҳияти ҳақида гапириб бундай деб таъкидлади: **«КПСС халқнинг фаровонлигини муттасил, қадамбақадам ошириб боришни, совет кишилари турмушининг барча томонларини яхшилашни, шахснинг уйғун камол топиши учун қулай шароитлар яратишни мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг олий маъноси деб билади. Бунда моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлаш, экономикани ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга социал омиллар таъсирини кучайтириш йўлини изчиллик билан ўтказиш зарур».**

Шуни айтиш керакки, мамлакат халқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирга қадар эришилган натижалари социалистик ишлаб чиқариш усулининг афзалликларини, КПСС иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини амалда исботлади. Иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма асосий йўналишларида юксак пировард натижаларга эришилди. Халқ фаровонлигини оширишнинг узоқ муддатли программаларини амалга оширишда халқ хўжалигининг иқтисодий имкониятлари анча ошди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миллий даромади 500 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу АҚШ миллий даромадининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Ўн биринчи беш йилликда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада оширишга миллий даромаднинг анчагина қисми ажратилди.

Совет давлати меҳнаткашларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга тобора кўп маблағ ажратмоқда. 1970—1984 йилларда аҳолининг реал даромадлари 1,5 баравардан зиёд ўсди.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражасини ошириш иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги бир қатор ихтисослашган жараёнлар билан боғлиқ. Энг асосийси, Ўзбекистон умумиттифоқ ижтимоий меҳнат тақсимотида пахтачиликка ихтисослашган, бинобарин мамлакатнинг асосий пахтачилик базаси ҳисобланади. Шунинг учун республика меҳнат ресурсларининг анчагина қисми шу соҳа билан банд. Ишлаб чиқариш фондларининг, миллий даромаднинг катта қисми пахтачиликда ҳосил қилинади. Бу хусусият республика аҳолисининг турмуш даражасини оширишга самарали таъсир кўрсатади. Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнига хос яна бир хусусият шундаки, у саноатнинг кўпгина тармоқлари бўйича умумиттифоқ эҳтиёжларини қондиришда ҳам қатнашади. Саноат маҳсулоти структурасида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш салмоғининг даражаси анча юқори. Бу ҳол республикалар ўртасидаги хўжалик алоқалари хусусияти билан изоҳланади.

Республика аҳолисининг турмуш даражасини ошириш регионал шарт-шароитининг яна бир хусусияти шундаки, Ўзбекистон мамлакатимизда меҳнат ресурслари жиҳатидан яхши таъминланган районлардан бири ҳисобланади. Бу, аввало аҳолининг табиий ўсиш даражаси юқори эканлиги билан боғлиқ.

Ана шундай қатор регионал хусусиятлар республикани социал ва иқтисодий ривожлантириш мобайнида ҳисобга олиниб, планли равишда амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 1984 йилда ижтимоий истеъмол фондларидан берилган тўловлар ва имтиёзларни қўшиб ҳисобланганда 1970 йилдагига нисбатан 1,8 баравар кўпайди.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ моллари ишлаб чиқариш планларининг амалга оширилиши натижасида республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисини маданий-маиший буюмлар билан таъминлаш даражаси кескин ошди.

Истеъмолнинг ўсиши давлат ва кооператив савдоси товар оборотининг кўпайишига ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. Маиший хизмат ҳажми тез ўсмоқда. Аҳолига бепул хизмат кўрсатиш даражаси тобора кўпайиб бораётганлиги, айниқса, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида яққол сезилмоқда. Масалан, Ўзбекистон ССР давлат бюджетидан халқ маорифига ажратилган маблағ 1984 йилда 1965 йилдагига нисбатан 4,1 баравар, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга ажратилган маблағ — 3—7 баравар кўпайди.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда уни имтиёзли тарифлар бўйича шинам уй-жойлар билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ҳар йили 2 миллионга яқин шинам квартира қурилмоқда. 10 миллиондан кўп киши уй-жой шароитини яхшиламоқда. Ўн биринчи беш йиллик бошидан ҳозирга қадар Ўзбекистонда 360 мингдан ортиқ квартира қурилиб, уларга 2 миллиондан зиёд киши кўчиб кирди.

СССРда аҳоли эҳтиёжини қондиришда уй-жой ва уни сақлашга бериладиган имтиёзлар катта аҳамиятга эга. Капиталистик мамлакатларда ишчилар квартира ҳақи учун ўз маошининг 25 дан 40 процентигачасини тўлашади. Совет Иттифоқида эса квартира учун тўланадиган ҳақ жуда оз бўлиб, 50 йилдан буён ўзгармай келяпти. Бу ҳақ оила умумий даромадларининг уч процентидан ҳам ошмайди.

Шуни айтиш керакки, социализм шароитида халқ фаровонлигининг ошиб, бориш жараёни ноантагонистик характердаги иқтисодий қарамақаршиликлар мавжудлиги билан ҳам боғлиқдир. Булар ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги, саноатнинг «А» группаси билан «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўртасидаги, жамғариш ва истеъмол, таклиф ва харид қуввати ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Бу қарама-қаршиликларнинг намоён бўлиш характерини инобатга олмаслик, уларни ҳал этиш механизмларидан ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик яқин ўтмишда халқ хўжалигида ва халқ фаровонлигининг ўсиш жараёнида бир қанча салбий ҳоллар юз беришига олиб келди.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддият, айниқса, Ўзбекистонда сезиларлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ўн биринчи беш йилликнинг уч йили ичида меҳнат унумдорлиги 3,1 процент, пул даромади эса 17 процент ўсди. Аҳоли пул даромадининг бундай устун даражада ўсиб бориши ортиқча пул маблағларининг вужудга келишига олиб келди. Бу эса истеъмолчилик психологиясининг ўсишига, халқ истеъмол моллари танқислигини ва меҳнатсиз даромад орттириш имкониятини туғдирди.

Ишлаб чиқариш соҳасида катта камчиликлар ва суиистеъмол қилишлар юз берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида қайд этиб ўтилганидек, баъзи жойларда қўшиб ёзишларга йўл қўйилди, план, давлат ва партия интизоми бузилди. Сўнгги йилларда, айниқса, 1976 йилдан бошлаб республика экономикасининг самарадорлиги пасайиб кетганлиги шу фактлар билан изоҳланади.

Моддий ҳаражатларни тежаш ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ундан катта самара олишнинг асосий йўналишлари ва омилларидан биридир. Шунга қарамай, республика ижтимоий маҳсулотида моддий ҳаражатлар даражаси ҳамон баланд, маҳсулот структурасида 50 процентдан кўп, саноатда эса қарийб 70 процентни ташкил этади. Бунинг устига ишлаб чиқаришга материаллар сарфини кўпайтириш тенденцияси сезилмоқда. Республика саноатида бундай ошиқча сарф 1975 йилга нисбатан қарийб 3 процентни ташкил этди. Бу республика бўйича ҳар йили миллий даромаднинг қарийб 5 миллион сўмини беҳудага совуриш демакдир. Ваҳолонки, миллий даромад халқ фаровонлигини оширишнинг бош манбаидир.

КПСС Марказий Комитети ташаббуси билан сўнгги йилларда ҳамма жабҳаларда тартиб ўрнатиш, уюшқоқликни ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Натижада сўнгги икки йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари қарийб икки баравар кўпайди, меҳнат унумдорлигини оширишда ижобий силжишлар рўй берди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиш суръатларидан ошиб кетди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛари етиштиришни кўпайтириш халқнинг турмуш даражасини оширишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу жиҳатдан КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми томонидан ишлаб чиқилган ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган СССР Озиқ-овқат программаси халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир совет кишисининг кундалик эҳтиёжларини қондириш тўғрисида партия ғамхўрлигининг ифодасидир. Бу программа партия иқтисодий сиёсатининг ҳозирги босқичдаги асосий бўғини бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсатнинг мантиқий давомидир.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материалларида марксизм-ленинизм назариясини бойитувчи, унинг қоидаларини ривожлантирувчи ва конкретлаштирувчи қоида ва хулосалар берилган. Материалларда таъкидланганидек, совет кишиси ҳаётий эҳтиёжларини қондириш партиянинг муҳим программ талаби бўлиши билан бирга, биринчи даражали иқтисодий, энг актуал социал-сиёсий вазифа ҳамдир. Бундай вазифани эса бирорта ҳам капиталистик мамлакат ҳал қилолмайди. Капитализм, аксинча, қашшоқлик, ишсизликни, очликни туғдиради, мустамлакачилик ва босқинчилик урушларида ажал уруғини сочади. Шу сабабли ҳозир Ер юзининг 4,7 миллиард аҳолисидан 1 миллиард қисми тўйиб овқат емайди, ҳар йили 30-40 миллион киши, шу жумладан, 17 миллион бола очликдан ҳалок бўлмоқда. Мана шу фожиалар манзарасида мамлакатимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган Озиқ-овқат программасининг улуғворлиги ва инсонпарварлиги яққол намоён бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши жаҳон бўйича олинган ўртача даражадан ҳам, бир қанча ривожланган мамлакатлар даражасидан ҳам юқоридир. Ҳозир дунёда аҳоли жон бошига озиқ-овқат билан таъминланиш ўртача даражаси 2590 килокалорийни, ривожланган мамлакатларда эса — 3329, шу жумладан, Ғарбий Европа давлатларида — 3376 килокалорийни ташкил этса, СССРда бу кўрсаткич 3443 килокалорийга тенгдир. Бу эришилган даража физиологик минимум — 2300 килокалорийдан 1,5 баравар юқори. СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бир йиллик истеъмоли 1990 йилга бориб тахминан қуйидагича бўлади: гўшт ва гўшт маҳсулотлари — 70 килограмм, балиқ ва балиқ маҳсулотлари — 19, сут ва сут маҳсулотлари — 330-340 килограмм, тухум — 260-266 дона, картошка — 110, шакар — 45,5, нон маҳсулотлари — 135 килограмм. Бу марраларга эришиш билан бирга, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати янада оширилади.

Бизнинг мамлакатимиз совет кишиларининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини гарантияли қаноатлантиришнинг барқарор имкониятларига эга. Озиқ-овқат проблемаси борасида вужудга келган аҳволни ҳисобга олиб, партия уни ҳал этишнинг йўналишлари ва методларини ишлаб чиқди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ программасини амалга оширишда Ўзбекистон агросаноат комплекси муҳим роль ўйнашга даъват этилган. У ўзининг қишлоқ хўжалиги учун қулай табиий иқлим шароитига кўра мамлакатимиз халқ хўжалиги олдида турган озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун катта имкониятларга эга.

Бу муҳим вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги кучли моддий-техника базасига эга ва у тез юксалиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг юқори суръатларига эришилди. Аграр ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан сўнг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ва у билан боғлиқ агросаноат комплекси тармоқларида сифат жиҳатидан жиддий силжишлар содир бўлди. Мазкур тармоққа капитал маблағ сарфлаш уч баравар кўпайди.

Агросаноат комплексини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар республикамизда Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш учун пухта замин яратади. Шу билан бирга, озиқ-овқат комплекси соҳасида ҳал этилмаган проблемалар ҳам бор. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги қаноатлантирарли даражада эмас. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ниҳоятда паст. Аслини олганда, беш йиллик бошланганидан бери республика мева-сабзавот агросаноат комплекси маълум даражада даромадлар, фойдалар планини бажармаяпти. Унинг давлатдан қарзи ошиб бормоқда.

Давлатга гўшт, сут, мева ва сабзавот сотиш планларини аҳолидан сотиб олинган маҳсулотлар ҳисобига бажаришдек турмушимизга зид практика бозордаги нархларнинг кўтарилишига катта таъсир кўрсатмоқда. 1984 йилнинг ўзидагина давлат планини бажариш учун аҳолидан мева ва сабзавот етиштириш ялпи ҳажми 36 процентига тенг маҳсулот сотиб олинган. Бунинг устига колхоз ва совхозларда ушбу маҳсулотларни етиштириш илғорлари эришилган даражадан пасайиб кетган.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштириш республика меҳнаткашлари фаровонлигини оширишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришда муайян силжишларга қарамай, республикамизда ана шу маҳсулотларни етиштириш даражаси ҳамон паст. Бир йилда аҳоли жон бошига Иттифоқ бўйича 58 килограмм гўшт истеъмол қилинса, республикамизда бу рақам 31 килограммни ташкил этмоқда. Ўн иккинчи беш йилликда республикада гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Бу марраларни эгаллашда жамоат ишлаб чиқариши билан бирга шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида, ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқларида халқ фаровонлигини янада оширишнинг кенг кўламли вазифалари ҳамда илгари вужудга келган қатор салбий тенденцияларни қисқа муддатларда тугатиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу ҳол иқтисодчи олимлар олдига кўпгина муҳим ва актуал проблемаларни қўйди. Ана шу проблемаларнинг зудлик билан ҳал этилиши меҳнаткашлар турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилади. Социализмнинг асосий иқтисодий қонунлари таъсирини регионал шароитларда янада кучайтириш, халқ фаровонлигини ошириш вазифаларини планлаштиришнинг таъсирчанлигини ошириш проблемалари шулар жумласидандир. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини муттасил ошириб боришдаги объектив қарама-қаршиликларнинг омиллари ва ривожланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш лозим. Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш ва ягона халқ хўжалиги комплекси шароитида республика экономикасининг самарадорлигини оширишнинг хўжалик механизмини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмий ишлар кенг йўлга қўйилиши давр ва шароит тақозосидир.

Илмий-тадқиқот ишларининг пахтачилик, сабзавотполизчилик, боғдорчилик-узумчилик ва гўшт-сут комплексларини ривожлантиришни оптималлаштиришга доир йўналишлари ҳам кенг истиқболга эга.

Шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олишга қаратилган. Унинг самараси эса КПСС иқтисодий сиёсатининг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

«ҲОСИЛ-85» ХАБАРЛАРИ

СУРЪАТ ОШМОҚДА

ЖИЗЗАХ. «КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз!». Арнасой районидаги Тимошенко номли совхознинг 2-бўлими пахтакорлари шиори ана шундай. Улар бу йил 470 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Хўжаликда терим қизғин. Шу кунларда ҳар куни 4-4,5 процент миқдорида пахта тайёрланяпти.

Энг муҳими, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар ёрдамида йиғилмоқда. Хўжалик далаларида 12 та терим машинаси юксак унум билан ишлатиляпти. Ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 9-11 тоннадан пахта йиғиштириб олинмоқда. Халил Бекназаров, Наби Эшонқулов сингари механизаторлар бу рақамни 15-16 тоннага етказмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 180 тоннадан чўл дурдонаси теришга бел боғлаган

Бўлимнинг Нарзулла Раҳмонов, Искандар Набиев етакчилик қилаётган бригаталарида ҳосилдорлик 45 центнерга етказилиши мўлжалланган.

Бўлим пахтакорлари етиштирилган ҳосилни тез ва соз саранжомлаб олиш учун терим суръатига суръат қўшмоқдалар.

Р. ШОДИЕВ.

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

ФАРҒОНА. Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозининг Бозорбой Тожиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари зафар маррасига етишди. Пешқадамлар мавжуд 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 30,5 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил кўтардилар. Ялпи ҳосилнинг 70 проценти машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Дилбархон Туғосова, Ўғилой Орипова, Мунаввар Узоқова каби чеварлар 3,5-4 тоннадан «оқ олтин» териб, бригада зафарига муносиб улуш қўшдилар. Улар айни кунларда ҳам хирмонга 160-170 килограммдан пахта тўкишяпти.

Миришкорлар даладаги ҳосилни чамалаб чиқиб, гектар бошига яна 20 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

К. ЖУМАЕВ.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Комсомолобод районидаги «Дўстлик» ва Мирзаахмедов номли совхоз механизаторлари машина терими плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. «Дўстлик» совхозида 1850 тонна, Мирзаахмедов номли совхозда 4 минг тонна пахта агрегатлар бункеридан тўкилди. Иккала хўжалик дала гвардиячилари етиштирилган ҳосилнинг 75-80 процентини машиналар ёрдамида теришни кўзлашмоқда.

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

МАРКАЗЛАШГАН ОЗУҚА ЦЕХЛАРИ

Мамлакат Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишида гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳам наманганлик чорвадорлар тармоқ маҳсулдорлигини оширишнинг интенсив методларини қўлланишга, резервлардан тадбиркорлик билан фойдаланишга алоҳида эътибор беришмоқда. Масалан, ўтган йилнинг кузида Уйчи районида бедани соф қолида, эгатнинг пуштасига экиш усулига киришилганди. Тажриба яхши самара берди. Райондаги Ленин номли колхоз бу йил ана шу майдонларда беш марта ўрим ўтказиб ҳосилдорликни 180 центнердан ҳам ошириди. Эндиликда бу тажриба областнинг барча хўжаликларида кенг қўлланилмоқда.

Областда шу йилнинг баҳорида ҳар бир районда марказлашган сунъий сут тайёрлаш цехи қуриш таклифи қўйилди. Бундай цехлар районга сут қабул қилиш пунктларининда ташкил этилди. Пунктларда қаймоғи олинган сут сунъий сут тайёрлаш цехига берилди. Бу ерда унга керакли миқдорда озуқа элементлари қўшиб пиширилгандан сўнг бузоқларга ичириш учун юборилди.

Яқинда Тўрақўрғон районида бу соҳада яна бир янгилик яратилди. Сут қабул қилиш пункти ва сунъий сут тайёрлаш цехлари ёнида озуқа пишириш цехлари ҳам иш бошлади.

— Шу кунгача, — дейди район агросаноат бирлашмаси раиси ўринбосари Н. Иноятов, — 17 жойда молларга озуқа ўрнида махсус суюқлик — атала пиширилади. Уларнинг ҳар бирида уч киши банд бўлиб, меҳнат унумдорлиги паст, озуқа сифати стандарт талабларига жавоб бермасди. Шунингдек, бу иш учун йилига 600 тонна дизель ёнилғиси сарф қилинарди.

Эндиликда ҳар иккала цехда 10 киши ишлаяпти. Суткаеига 7-8 тоннадан сунъий сут, 90-100 тонна атала тайёрлаш имкони туғилди. Сунъий сут тайёрлаш цехи ишга тушиши билан каттагина тежамга ҳам эришяпмиз. Масалан, шу йилнинг июнь ойидан буён район бўйича 160 тонна сут тежаб қолинди. 1 тонна сунъий сут 60 сўмга тушмоқда.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра аралаш озуқадан тайёрланган аталадан сигирлар сути 15-20 процент кўпаймоқда. Молларнинг семириши тезлашиб, бўрдоқига боқиш муддати қисқаряпти.

— Бундай цехларни ҳар бир районда қуриш мумкин, — дейди район «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси раиси С. Ғаффоров. — Биз «С-12» маркали сомон буғлаш агрегатларини реконструкция қилдик. Бунинг учун агрегатни махсус мослама билан жиҳозладик.

Сунъий сут ва аталани илгари хўжаликларнинг ўзида тайёрлаш жараёнлари жуда мушкул эди. Уларнинг ҳаммасида ҳам малакали мутахассислар йўқлиги туфайли агрегатлар ёки иситиш қозонлари тез-тез ишдан чиқиб турарди. Марказлашган аралаш озуқа цехларининг ишга тушиши билан техника хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Бугунги кунда колхоз ва совхозларининг вакиллари цехларга келиб, олдиндан тузилган шартномага кўра керакли маҳсулотни ўзлари олиб кетишяпти. Яқин кунларда цехлар хўжалик ҳисобига ўтказилиши кўзда тутилган. Шундан сўнг озуқа махсус транспортларда жойларга аниқ графиклар бўйича етказиб бериладиган бўлади.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бекобод районидаги «КПСС XXVI съезди» совхози сут-товар фермасида партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига авж олган социалистик мусобақада ўтган ойлар якунига кўра илғор сут соғувчи Башорат Ғофурова ғолиб деб топилди. У ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан хўжалик бўйича энг кўп миқдорда сут соғиб олишга эришди. Йил охиригача ҳар бир говмуш маҳсулдорлигини 3500 килограммга етказиш мажбуриятини олган пешқадам соғувчи ҳозир кунлик топшириқларини ошириб бажаришга эришмоқда.

М. Қорабеков фотоси.

• *Меҳнат коллективларида*

ЭЛГА МАНЗУР ПАЛЬТОЛАР

▲ Аёлларга ярашиб турган бежирим пальтолар бугунги кунда Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб тайёрланадиган бўлиб қолди.

«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» ҳаракатида пешқадамлик қилаётганлардан бири моҳир бичиқчи Сабри Иноновнинг стахановчи новаторлар методи асосида меҳнат қилиб, смена нормасини муттасил икки ва икки ярим ҳиссадан адо этяпти. Ўз ишининг устаси икки беш йиллик ҳажмдаги топшириқни бажариб қўйиб, 1991 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Шунингдек, Мўътабар Миноровa, Валентина Круглова, Валентина Короткова каби илғорлар ҳам съездолди социалистик мусобақасида маҳорат кўрсатмоқдалар.

С. АЛИЕВ.

ВЕТЕРАН ИБРАТИ

▲ Шаҳрихон пахта тозалаш заводида янги ҳосилни қайта ишлашга пухта ҳозирлик кўрилди.

— Бу ишда моҳир слесарь, ёшлар мураббийси, рационализатор Тожибой Собировнинг тажрибалари жуда асқотди, — деди механика-ремонт цехи бошлиғи В. Муҳаммаджонов. — Цехларни янги мавсумга тайёрлаш даврида ветеран ишчи учта рационализаторлик таклифи билан чиқди ва уларни ўзи жорий этди. Бу ремонт-жиҳозлаш ишлари муддатларини анча қисқартириш имконини берди.

Й. СУЛТОНОВ.

МАРЖОНБУЛОҚ ТРИКОТАЖИ

▲ Республикамизнинг кенжа шаҳарларидан бири — Маржонбулоқда қад кўтарган трикотаж буюмлар фабрикаси йилига 5 миллион дона кийим ишлаб чиқариш қувватига эга.

Янги корхонани созлаш-синаш ишлари яхши ўтди. Маржонбулоқ трикотажи магазинлар пештахталари сари йўл олишига саноқли кунлар қолди. «Джизаксовхозстрой» қурилиш трестининг бинокорлари фабрикани барвақт фойдаланишга топширишга эришдилар.

В. МАКАРИЕ.

* * *

Шунингдек, Сирдарёдан **Т. Дўсматов**, Андижондан **Х. Тожиматова**, Фарғонадан **И. Холбеков**, Қорақалпоғистон АССРдан **Л. Хўжаниёзова**, бухоролик **Р. Тўлаев**, наманганлик **О. Жўраев**, фарғоналик **Қ. Раҳимов**, қашқадарёлик **Ҳ. Раҳмонов** ўртоқлар ҳам ишчи коллективларининг съездолди мусобақаси самаралари ҳақида хабарлар йўллаганлар.

• *МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ*

НОМИГА ТУЗИЛГАН ГРАФИК

Кейинги йилларда Чимбой районида пахтачилик ва чорвачилик билан бирга шоличилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик маданиятини яхшилаш ҳисобига шоли майдонлари кенгайди, ҳосилдорлик ошди.

Беш йилликнинг якунловчи йилида район шоликорлари, механизаторлари 55 минг 500 тонна шоли етиштириш мажбуриятини олишган. Хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунги муҳим вазифа — етиштирилган ҳосилнинг бир бошоғини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб олишдан иборат.

Мавсумга пухта ҳозирлик кўрган агроучасткалар ва бригадаларда ўрим ишлари бир ярим-икки сменада ташкил этилиб, ҳар куни йиллик планнинг 6-8 проценти миқдорда шоли тайёрланмоқда. «Октябрь» совхозининг 2-, 5-агроучасткаларидан И. Боймуротов, П. Наврўзбоев, М. Ойимбетов, «Майёб-1», «Майёб-2» совхозларидан Ш. Оллоёров, Қ. Оллобоев, Д. Жиемуротова, М. Худойберганов, У. Бобоназаров, Ш. Бойниёзов ўртоқлар бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаларда ўриш, янчиш ишлари яхши ташкил қилинганлиги туфайли шоли ўриши тугалланай деб қолди. Ўнлаб жатка ва комбайн ҳайдовчилари смена нормаларини 1,5-2 ҳисса бажариб, мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бироқ умуман, район бўйича шоли ўриш, янчиш ва тайёрлаш ишлари ҳали шу кун талаблари даражасига кўтарилганича йўқ. Айрим хўжаликларда ғаниматдек кунлар ўтиб бораётганига қарамай, жаткалар ва комбайнларнинг тўла қувват билан ишлашига эришилмаяпти. Уларнинг айримлари баъзан бузилиб, ремонтда узоқ туриб қолмоқда. Район агросаноат бирлашмаси ва хўжалик раҳбарлари ҳамкорликда ишлаб чиқишган график бўйича шу кунларда ҳар куни 3 процентдан ошириб шоли тайёрланиши, ўрим ишлари ва янчиб олиш юмушлари 20 октябрда тамомланиши керак. Хўш, ана шу график район хўжаликларида қандай бажариляпти?

Рақамларга эътибор беринг: ҳозир ҳар куни 220 жаткадан 113 таси ишлаб, 650 гектар ўрнига 481 гектар шоли ўрилмоқда. 165 комбайндан 103 таси далага чиқарилаётир, 600 ўрнига 181 гектар майдондаги шоли янчилмоқда. Айниқса, К. Юсуфбоев директорлик қилаётган «Майёб-1» совхозида ўриш, янчиш ва тайёрлаш ишлари кечиктириб юбориляпти. Аниқроғи, графикда белгиланган ишларнинг учдан бир қисми бажарилмоқда. Район агросаноат ва «Госкомсельхозтехника» бирлашмалари, «Каракалпакирсовхозстрой» территориал ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда хўжалик раҳбарлари йўл қўйилаётган бу камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Жаткалар ва комбайнларнинг бир меъёрда ишлашига эришилмаётир. Улар икки сменада эмас, бир сменада ҳам тўла қувват билан ишлатилмаяпти. Бригадаларда ҳар сменада бир жатка билан ўрилган шоли икки гектарга, комбайнларда янчилган шоли эса 3 тоннага етмаётир. Хўжалик раҳбарлари эса «Тўғри, жатка ва комбайнларимиз бир сменада ишлаяпти. Чунки уларнинг нормал ишлаши учун эҳтиёт қисмлар, аккумуляторлар, ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаяпти. Шунинг учун ҳам ишимиз унуми паст. Бошқармадан, идоралардан келган ўртоқлар ҳар сафар аҳволни тузатишга кўмаклашиш учун ваъда бериб кетишади-ю, амалий ёрдам кўрсатишмайди. Бир кун кутамиз, икки кун кутамиз, ниҳоят умидимизни узамиз» дея шикоят қилишяпти.

Дарвоқе, уларнинг шикоят қилганича ҳам бор. Вакиллар ёрдам ўрнига ваъда бериб кетишдан нарига ўтишмаяпти. Совхозларда қантарилган жаткалар, комбайнлар, подборщиклар сони кўнайиб бормоқда. Хўжаликларга оталиқ ёрдами кўрсатишга бириктирилган корхоналар, заводлар, кўчма механизациялашган колонналар ишида барака бўлмаяпти. Тегишли автотранспортлар, пайвандлаш агрегатлари, техникага хизмат кўрсатиш кўчма устахоналари ташкил қилинмаган. Совхозларда ва агроучасткаларда меҳнат интизоми бўш. Тошкент вилоятига нисбатан талабчанлик, масъулият сезилмаётир.

Район агросаноат ва «Госкомсельхозтехника» бирлашмалари (раиси ва бошқарувчиси М. Бердимуродов, Ж. Аннақулов ўртоқлар) ҳамда оталиқ корхоналарининг раҳбарлари шоли ўриш, янчиш ва тайёрлаш ишларини тезлаштириш борасида амалий тадбирлар кўришлари керак. Йўқса, ўрим кечикиб, план ва мажбуриятлар ижроси ора йўлда қолиб кетиши мумкин.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Кеча хабар қилинганидек, Тошкентда Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари бошланди. Суратларда: Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Чехословакия экономикаси ва техникаси кўргазмасида.

В. Молгачев фотолари.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг «Правда» нашриётида босмадан чиқарилган китоб ана шундай номланган. Китобга КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин марказий газеталар ва журналларда социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим проблемаларига бағишлаб эълон қилинган материаллар киритилган. «Инсон омили» деб аталган биринчи бўлимга илғор тажриба, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистик қурилишда меҳнат коллективларининг ролини ошириш тўғрисидаги мақолалар киритилган.

«Тежамли бўлиш — бадавлат бўлиш» бўлимида тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ҳақидаги қизиқарли материаллар берилган. «Жадаллаштириш стратегияси» бўлимида фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, ихчам системаларни, илғор техника ва технологияни жорий этиш тўғрисида гап боради. Китобда хўжалик механизмини ва умуман халқ хўжалигини бошқариш структурасини такомиллаштириш, хўжалик бўғинлари иши кўрсаткичлари ва уларнинг ишига баҳо бериш нормативлари системасини яхшилаш проблемалари кенг ёритилган. Бир қанча материаллар меҳнатни ташкил этишнинг янги методларига ва ҳақ тўлашнинг коллектив формаларига бағишланган. Тўпламда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишланган кенгашда қўйилган вазифаларни амалий жиҳатдан бажариш бой тажрибаси умумлаштирилган.

Ишчилар ва колхозчилар партия ва хўжалик раҳбарлари, турли тармоқлар ва регионларда иш олиб бораётган олимлар ва практиклар, таниқли публицистлар китоб муаллифларидир. «Правда» газетаси редакциясининг журналистлари китобни босмага тайёрлашда катта иш қилдилар. Китоб кенг китобхонлар доираси учун қизиқарли бўлиб, партия, совет, касаба союз ишида, сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида фойдаланилиши мумкин.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1985—1986 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, алоқа ходимлари, пионер вожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб қайтганлар, колхоз, совхоз, саноат корхоналари, қурилиш, алоқа, транспорт ташкилотлари, мактаблар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили, СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис, француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади: институт ректори номига ариза кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасини ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади. Қабул 26 ноябрдан 30 ноябргача бўлиб ўтади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлими тингловчилари стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1985 йилда битирганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 162-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ЖАМҒАРМАНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Омонат кассалари аҳолининг пул жамғармаларини сақлаш учун қабул қилар экан омонатга пул қўйишнинг бир неча турларини тавсия этади: талаб қилиб олгунга қадар сақланадиган, муддатли, шартли, ютуқли жамғармалар.

Бундан ташқари омонат кассалари меҳнаткашларга қуйидаги омонат турлари бўйича пул топшириш имконини берди.

Ишлар учун мўлжалланган мукофотли жамғармалар. Барча шартларга риоя қилинган ҳолда ушбу жамғарма бўйича фойда йилига 3,5 процент ҳисобида тўланади;

қўшимча взносли муддатли жамғармалар. Бунда фойда йилига 3 процентни ташкил этади. Ҳар бир қўшимча взнос миқдори камида 100 сўмдан иборат бўлиши шарт;

пул -буюм ютуқли жамғармаси. Жамғарманинг бу тури бўйича фойда ютуқлар тарзида нақд пул билан ёки харидоргир буюмлар тарзида тўланади.

Ўтган даврда жамғарманинг янги турлари аҳоли ўртасида қизиқиш уйғотди.

Ўртоқлар, янги жамғарма турларидан фойдаланинг. Омонат кассалари сизни кутади!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЙЎРГАКДА ЮККАН ДАРД

▲ Йўқолсин хурофот!

▲ Ҳаммаси оиладан бошланади.

▲ Лоланинг кўзи очилдими?!

▲ Сиз нима дейсиз?

Яқиндагина ўрта мактабни битириб, пахта даласига кириб келган қизнинг номи тез орада эл оғзига тушди. Кимсан, Лола Бўриева — Иштихон районидаги «Правда» колхозининг илғор теримчиси ахлоқ-одобда ҳам кўпларга ибрат, дейишарди. Афсуски, у қанчалик тез эътибор қозонган бўлса, шунчалик тез назардан қолди. Бунга, аввало, ўзи айбдор эди.

Гапни Лола мактабда ўқиб юрган кезларида оиласида рўй берган бир воқеадан бошлашга тўғри келади. Ўшанда акаси Толлибой армия хизматига чақирилди. Онаси — Солиҳа йиглаб-сиқтади, ўзига таскин бериш мақсадида куни кеча туғилган бузоқни Толлибой атрофидан уч марта айлантирди.

— Кўзимнинг қароғи, — деди у ўғлининг пешонасидан ўпиб. — Бу жониворни Полвон ота хоки пойига атадим. Армиядан қайтган кунинг уни сўямиз.

Бу сўзларни онанинг тўқ қиз фарзанди ҳам чуқур этмай эшитиб турарди. Айниқса, Лола бу гапларнинг мағзини чақолмай ҳайрон эди. У онаси айтаётган қабристон ёнидан кўп ўтган, лекин унинг бу қадар «қудратли куч»га эга эканлигини билмаган экан. Акаси ҳам онасининг оғзига маҳлиё бўлиб қараб турибди. Демак, бир сир бор-да...

Орадан икки йўл ўтди. Толлибой ҳам ҳарбий бурчини ўтаб ота-онаси бағрига қайтди. Ота дарҳол ниятини рўёбга чиқарди — боқиб семиртирилган танани сўйдирди, қонини ўғлининг пешонаси, қулоғи орқасига суртди...

Лола яна энтикди. Мурғак тасаввуридан «мозор бува» одамни қўллаши, бахтли қилиши рост экан-да, деган фикр ўтди. Художўй онаси эътиқод билан акасини халос-алос қилди, қонлади. Толлибой бўлса бунга эътироз ҳам билдирмади. Аксинча, тана гўштидан бир бўлагини қабристонга ин қўйган, худо номи билан кун кўрувчи текинтомоқ кимсаларга назр-ниёз ўрнида бериб келди.

Диний ақидаларга бу қадар тез берилувчан, эскича расм-русмларнинг кўр-кўрона ижрочисига айланган бу йигит ким ўзи?! Т. Бўриев комсомол аъзоси. У Каттақўрғон медицина билим юртида таълим олган. Ҳозир Иштихон район Митан посёлкасидаги давлат автоинспекцияси постида травматолог-фельдшер бўлиб ишлаяпти.

Икки кема бошини тутган ғарқ бўлади, деган нақл бор. Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи аъзоси, қоларверса,шифокор деган фахрли ном эгаси бўла туриб, диний ақидаларга берилган бу йигит хатти-ҳаракатларига район комсомол комитети, давлат автоинспекцияси пости бошлиқлари, район жамоатчилиги наҳотки томошабин бўлиб тураверишса? Чўкаётган одам чўпга ҳам тирмашади. Толлибой ўзи билан бирга укаларини, хусусан ниҳоят таъсирчан Лолани ҳам жаҳаннам қаърига судраши мумкин-ку? Йўқса «тангрининг мадади билан бахту тахтга эришиш» ҳақидаги ақида қиз қалбини бу қадар чирмовиқдек чирмаб олмасди. У ёқда қизнинг изми онада. Турли эскича расм-русмларга риоя қилиб боришни она қизи қулоғига қуйиб турарди. Шу орада Л. Бўриева ВЛКСМ сафига ўтиш учун ариза берди. У акаси каби ёшлар союзининг муносиб аъзоси бўлиш учун тантанали ваъда берди. Афсуски, бу оғизда эди. Аслида у мактаб комсомол комитетини алдади. Эскича удумларга майли борлигини, ҳатто ва турли диний расм-русмларга риоя қилиб туришини яширди. Бу орада Лола мактабни битирди. Колхозда ишлади. Энди у ўзини бир қадар мустақил ва эркин ҳис этарди. Онаси билан диний маъракаларда иштирок этиш, авлиёлару пайғамбарлар номини такрорлаш, мозорларга сиғинишдан қайтмасди. Ҳиёл ўтиб, она қизини бутун эски расм-русмларга риоя қилган ҳолда узатди.

Бир куни онаси уни кўргани келиб, қизининг ранг-рўйидан юраги орқасига тортиб кетди. Онанинг кетма-кет берган саволларига жавобан қиз очиғини айтиб қўя қолди:

— Қорнимда қаттиқ оғриқ сезяпман. Докторга борсаммикан?!

— Докторинг нимаси?! Ўзим сени мозорга олиб бораман. Авлиё бузрукворимиз қўллаб юборсалар, ҳомиланг жойига тушади. Мени айтди дерсан, ҳеч нарса кўрмагандек тузалиб кетасан.

Лола армиядан қайтган акасининг бахти очилсин деб қилинган хайр-худойини эслади. Унинг назарида ўшанда чиндан ҳам акасининг ишлари юришиб кетгандек бўлувди. Онаси ҳам шу маъракадан кейин ўғли осонгина ўқишга кириб олганига неча бор шама қилганди... Она ҳеч вақт боласига ёмонликни раво кўрадими?! Йўқ, албатта. Нима қилганда ҳам онасининг айтганини бажармоғи даркор.

Қўлида назр-ниёз тугилган тугунча билан Солиҳа ая чаққон одимлаб бормоқда. Қизи эса бурнидан тортса йиқилгудек зўр-базўр қадам босади. Лола қабристонда падилар ёки жабр-жафо тортадилар. Болага йўргакда юққан дард оғир кечади. Уни даволаш учун эса кишида дадиллик, жасорат бўлиши керак...

Она — она-да. Лоланинг шу оғир дамларида ҳаммадан ҳам она кўпроқ қайғуриб, елиб-югуряпти. Лекин онанинг хатоси боласи тақдирида аччиқ из қолдиргани факт.

Кишини яна бир таажжублантирадиган нарса шундаки, Лоланинг умр йўлдоши Жалолиддин Маҳкамов хотинининг тақдири учун қайғурмаган, уни тўғри йўлга бошламаган. У Самарқанд давлат университетининг студенти. Афсуски, бундай мисоллар йирик маърифат даргоҳи ёшлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланиши кераклигини тақозо этади.

Яқинда Иштихон район комсомол комитети бюроси мажлисида райондаги баъзи бир ёшлар хатти-ҳаракатида, хусусан, комсомол аъзоси Лола Бўриева мисолида диний ақидалар, эскича расм-русмларга берилиш оқибатлари кўриб чиқилди ва қатъиқ танқид қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, кейинги пайтларда Иштихонда хурофий майлларга берилган айрим ёшлар пайдо бўлиб қолди. Афсуски, район комсомол комитети бу тоифа ёшлар тарбияси билан изчил шуғулланмаяпти. Бу борада лоқайдлик, ваъзхонлик хукм сурмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчи ва ёшларни комсомол сафига қабул қилишда кўр-кўроналик, юзакичиликка барҳам бериш лозим. Комсомолга ўтаётган ҳар бир йигит-қизнинг яхши ўқишидан ташқари, дунёқараши, маънавий олами ҳам имтиҳондан ўтказилиши даркор.

Район партия, совет, комсомол ташкилотлари, район ва қишлоқ Советларининг депутатлари ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланишлари лозим. Тарбиячи, аввало ўзи тарбия топган бўлиши керак. Ўқитувчи-педагог кадрлар, ота-оналар ўртасида турли лекциялар, жонли суҳбатлар мунтазам ўтказиб турилиши, меҳнаткашларни халқ университетлари машғулотларига янада кўпроқ жалб этиш фойдадан асло ҳоли бўлмасди. Энг муҳими, атеистик тарбия — бу мавсумий иш эмас. У кундалик ҳаётимизнинг жонига, қонига сингиб кетиши керак.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТ

Жанговар фарзандларимиз ҳаётидан

ОЛҚИШ

Сержант Абдужаббор Усмонов номини бўлинмамизда ҳурмат билан тилга олишади. У малакали мутахассис, социалистик мусобақа ғолиби. Взвод комсомолларн группорги яқинда бўлиб ўтган тактик машқларда ҳам катта муваффақиятга эришди. У ўзининг ҳарбий билим ва маҳоратини ишга солиб, командирлар олқишига сазовор бўлди.

Взвод командирининг ўринбосари, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси сержант А. Усмоновга қисм командири навбатдаги раҳматномани эълон қилди.

О. ТОШМУРОТОВ,
оддий солдат.

ИЛҲОМ

Ғарбий чегараларда қанотли «нишон»лар пайдо бўлди. Шу дақиқада берилган огоҳлантирувчи сигнал бутун батальонни оёққа турғазди. Солдатлар дархол ўз жойларини эгаллашди. Улар орасида оддий ўзбек солдати Қ. Бойқораев ҳам бор эди. У индикатор экрани қаршисида ўтириб, осмондаги вазият ҳақида командирлик пунктига мунтазам хабар бериб турди. Бир неча соат давом этган «жанг» ғалаба билан тугади. Ҳарбий машғулот якунларини кўриб чиққан рота командири оддий солдат Қиёмиддин Бойқораевга ташаккурнома эълон қилди.

Қиёмиддин 1984 йили институтни тугатиб, ўзи туғилиб-ўсган — Китоб районида ишлаб юрганда ҳарбий хизматга чақирилди. У Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан ўтаб, бошқаларга намуна бўляпти. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, 3 класс оператори Қ. Бойқораевга яқинда ефрейтор унвони берилди. Бу уни хизматда янги муваффақиятлар сари илҳомлантириб юборди.

А. ФОЗИЛОВ.

МЕҲР

Ҳаш-паш дегунча икки йил ҳам ўтиб кетди. Ҳадемай, уйга қайтамиз! Кўпчилик солдатлар қатори Наим Аминов ҳам она юртига кетишга ҳозирлик кўряпти.

Наим ўз жонажон ўлкаси, унинг меҳнатсевар одамлари ҳақида мароқ билан гапиради. Ҳозироқ унинг хаёли Ромитан районидаги ҳарбий хизматга чақирилгунча ишлаган «Октябрь 50 йиллиги» совхозида. Мен шуни яхши биламанки, уни бу ерда сабрсизлик билан кутишяпти. У уйига жисмонан чиниққан, касб малакаси ва билими янада ошган ҳолда қайтяпти.

Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси, илғор жангчи Наим Аминовга келгуси ишларида муваффақият, ҳаётида катта бахт тилайман.

В. ЖМАЕВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Даволаш методларини такомиллаштирайлик

9 октябрь куни Тошкентда физиотерапевтлар ва курортологлар, невропатологлар ва психиатрларнинг Бутуниттифоқ илмий медицина жамиятлари бирлашган пленуми очилди. Унинг иштирокчилари — барча иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинграддан келган олимлар марказий нерв системаси касалликлари билан боғлиқ проблемаларни муҳокама этмоқдалар, тўпланган тажрибани баҳам кўрмоқдалар, даволашнинг энг янги методлари билан танишмоқдалар. Пленумда илмий медицина жамиятларининг бундан буёнги ҳамкорлиги конкрет программасини ишлаб чиқишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво кам булутли бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида кечаси ва эрталаб бир оз туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 9-14 метр тезликда шамол эсади. Республика шимолида кундузи шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучаяди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области ва Навоий областининг шимолида кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Республиканинг қолган территориясида ҳаво кечаси 5-10, жанубда 14, кундуз 15-22, жанубда 26 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, ёмғир ёғмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1985—1986 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, алоқа ходимлари, пионер вожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб қайтганлар, колхоз, совхоз, саноат корхоналари, қурилиш, алоқа, транспорт ташкилотлари, мактаблар ва ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили, СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис, француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади: институт ректори номига ариза кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасини ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилади. Қабул 26 ноябрдан 30 ноябргача бўлиб ўтади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлими тингловчилари стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1985 йилда битирганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 162-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги
«ЎЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» МАХСУС ТРЕСТИНИНГ ОЛМАЛИҚ «СТАЛЬМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИ

пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажи бўйича монтажчиларни бошқармаининг ОЛМАЛИҚ, АНГРЕН шаҳарларида жойлашган бўлинмаларида, химия объектлари — ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ, шунингдек ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ, ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ, ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСи қурилишларида меҳнат қилиш учун

ИШГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш — ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли.

Монтажчилик касбларига эга бўлмаган ишчилар ва Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб қайтганлар Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ўқув марказидаги 2 ойлик кундузги курсларга юборилади.

Ўқувчилар ойига 76 сўм миқдорда стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган маошнинг 50 процента билан таъминланадилар.

Ёлгиз ишчилар Олмалиқ, Ангрен шаҳарларида ётоқхона билан, оилалилар қондага мувофиқ равишда квартира билан таъминланади.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 702400, Тошкент области, Олмалиқ шаҳри, 12-алоқа бўлими. Телефон 4-33-54, Олмалиқ «Стальмонтаж» бошқармаси.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да Рўё, 11/Х да **Келинлар қўзғолони**, 12/Х да **Маршал Жуков.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/Х да **Мангулик**, 11/Х да **Гулсара**, 12/Х да **Тошболта ошиқ.**

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория кичик илмий ходимлари: шишларнинг комплекс терапияси (3), радиология, шишларнинг патоморфологияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — 4 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 383-уй.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг чет элларга эшиттириш коллективи ҳамда редакциясининг таржимони Ҳ. Муҳамедова отаси

Раҳимжон МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журнали редакцияси коллективи журнал ходими И. Зоировга отаси

Ёқубжон ЗОИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлигига қарашли «Узоргтехдорстрой» трести коллективи шу трест бошқарувчиси, коллегия аъзоси Л. И. Исаевга онаси

Кимё НОРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● **КОЗЕ (Эстония ССР)**

Эстониянинг А. Лауритин номидаги колхозида рапсни қайта ишлайдиган завод қурила бошлади. Республиканда фермаларнинг ишини интенсивлаш муносабати билан емхашак тайёрлашни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш программаси амалга оширилмоқда. Янгидан қурилаётган бундай корхоналар рапсдан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади. Илғор технология бўйича олинадиган кунжара тамомила чорвага берилади, қайта ишлаш маҳсулоти бўлмиш мой қаймоғи олинмаган сут ўрнини босадиган маҳсулот тайёрлашда ишлатилади. Бундай маҳсулот фермаларда бузоқларга берилади. Республикада яна бир нечта шундай завод қуриш мўлжалланмоқда.

● **ЛЕНИНГРАД**

Ленинграддаги Менделеев номли Бутуниттифоқ метрология илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган янги давлат эталони метр-узунлик бирлигини миллиарддан бир неча улушгача аниқликда кўрсатади. Бу эталонда бундан икки йил аввал Парижда бўлиб ўтган тош-тарози XVII бош конференциясининг тавсиялари амалга оширилган. Ушанда олимлар метрни кўрсатиш учун частотаси барқарорлаштирилган лазердан фойдаланиш тўғрисида келишиб олгандилар. Эталон составида таққослашни автоматлашга имкон берувчи бошқа бир ускуна ҳам бор. Янги эталон метрологик характеристикалари жиҳатидан жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида туради.

● **ЕРЕВАН**

«Электроприбор» бирлашмасида робот техника комплекси ишлай бошлади. Бу ердаги манипуляторлар йиғиш ва штамплаш цехларидаги ғоят сермеҳнат ишларни бажармоқда. Ҳозир бирлашмада энг муҳим участкалар техника жиҳатидан қайта қуроллантирилмоқда. Йил бошидан бери корхонада электроника билан таъминланган юзта серунум машина-ускуна жорий этилди.

● **ГОРЬКИЙ**

Горький автозаводчилари Иваново станоксозлари билан ҳамдўстликда рақамли программа билан бошқариладиган металлга ишлов берувчи марказ яратдилар. Икки корхона коллективи КПСС XXVII съезднинг очилишигача янги «Иваново-Газ» маркали олтита шундай станокни ишга туширишни мўлжаллаб қўйди. Икки коллектив ҳамкорлиги автозавод станоксозлик қувватини оширишга, корхонани ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган техника жиҳатидан қайта қуроллантиришни тезлатишга имкон беради.

(ТАСС).

10 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Бадиий фильм. 11.05 — Мультфильмлар. 11.35 — «Вилладаги ўлим». Бадиий фильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 16.10 — Концерт. 16.40 — «Истеъдод». 17.10 — Концерт. 17.40 — «Қувноқ стартлар». 18.25 — Концерт. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.50 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Дания — Швейцария терма командалари. 2-тайм. 20.35 — «Тунги топилма». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 «Баттол жангчан ғолиб чиқиш учун». 22.45 — Концерт. 23.20 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 ва 10.40 — М. Ю. Лермонтов. «Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ». 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 13.05 — Испан тили. 11.05 «Чет эл тасвирий санъати». 11.35 — В. А. Жуковский. 12.35 — «Фан ва турмуш». 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.55 — «Криница». 14.40 — «Ҳақиқий эркакча ҳаёт. Бадиий фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 — Реклама. 19.55 — «Чили қўғирироқлари». 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.50 — Ритмик гимнастика. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ёз ҳам тугаб қолди». Бадиий фильм. 23.15 — Телефильм. 23.30 — Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар, 1/16 финал. «Жальгирис» (Каунас) — «Словнафт» (Братислава).

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «Тонгги тароналар». 8.10 — «Ижод ва изланиш». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Республика шоли-пояларида». 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.55 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Баҳс».

ТОШКЕНТ-II. 9.00—16.15 — Москва-II 18.10 — Алгоритмлар ва алгоритм тили. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Бойчечак». 19.20 — Реклама. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 «Йигит ва қиз». Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Дўстлик чаманзори». 9.30 Ўзбек экрани куйлари. 11.15 — КПСС XXVII съезди олдидан. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Малиш». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — КПСС XXVII съезди олдидан. 16.20 — «Совет тупроғидаги учрашувлар». 17.00 — Мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. 18.15 — «Замонамизнинг актуал масалалари». 18.30 — Концерт. 18.40 — «Аланга». 19.25 «Юность Узбекистана». 21.00 — «Халқаро кундалик». 21.30 — Концерт. 22.30 — Концерт. 23.30 — Дам олиш концерти. 23.45 — «Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари»

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.